



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 10 июль, № 139-140 (7097-7098)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги 712–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 2005 йил, № 1, 16-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб

чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 9 июль
№ ЎРҚ—483

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти субъектларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.
«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси» номидан фақат ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ фойдаланилиши мумкин. Бошқа ташкилотлар ўз номларида «савдо-саноат палатаси», «савдо палатаси», «саноат палатаси» деган сўз бирикмаларидан ҳамда улар асосида тузилган сўз бирикмаларидан фойдаланишга ҳақли эмас.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 20 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги 113–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1995 йил, № 9, 188-модда; 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 472-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 9 июль
№ ЎРҚ—484

Ўсимликлар карантини тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ўсимликлар карантини соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўсимликлар карантини
тўғрисидаги қонун
ҳужжатлари

Ўсимликлар карантини тўғрисидаги

қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(Давоми 3, 4, 5-бетларда).

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

**Тошкент
темир йўл
муҳандислари
институтида
“Битирувчи —
2018” тадбири
бўлиб ўтди.
Унда “Ўзбекис-
тон темир
йўллари” АЖ
мутахассис-
лари, профес-
сор-ўқитувчи-
лар ҳамда ота-
оналар ишти-
рок этди.**



«Битирувчи — 2018»

— Институтимиз битирувчиларининг аксарияти темир йўл соҳасидаги ташкилотларга йўлланма олди, — дейди техника фанлари доктори, профессор Нарзилла

Иброҳимов. — “Навоий кон-металлургия комбинати”, “Олмалик кон-металлургия комбинати” сингари саноат корхоналарида ҳам ёш кадрларга эҳтиёж мавжудлигини

инобатга олганмиз. Битирувчилар орасида ана шу мажмуаларда фаолият бошлашни ният қилганлар кўплаб топилади. Тадбир якунида 1083 нафар би-

тирувчига дипломлар тантанали равишда топширилди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Хумо қуши юксак парвозга шайланмоқда

Туғроларида шер, бургут ва бошқа рамзлар акс этган давлатларнинг ютуқлари хусусидаги янгиликлар жаҳон оммавий ахборот воситаларида дарёдек оқиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Энди улар қаторига туғросида Хумо қуши ифодасини топган қадимий, шу билан бирга, навқирон, орзулари улкан давлат ҳам қўшилди.

Нигоҳ

Мана, ёз фаслининг иккинчи ойи — июль бошланди. 2018 йилнинг биринчи ярми ортда қолди. Бу эса тарих зарварақларига битилган воқеалар силсиласига яна бир бор назар ташлаш учун қулай фурсат етганини билдиради.

Эйнштейн назариясига кўра, вақтнинг тезлиги ҳамма жойдаям бир хил эмас. Бу фикрга қўшилиш ҳам, инкор этиш ҳам мумкин. Лекин фойдали иш билан банд бўлсанг, вақт қандай ўтиши, аксинча, беҳуда сарфланган дақиқалар бениҳоя чўзилиши бор гап.

Айнан шундан келиб чиқиб мулоҳаза юритсак, 2018 йилнинг биринчи ярми мамлакатимиз учун қандай кечди, ислохотлар йўлида нималарга улгурдик, вақтдан ютдикми?

Бу саволларга жавоб топиш учун газета саҳифаларини varaқлаш ёки интернет олами бўйлаб кезиш шарт эмас. Бири иккинчисидан му-

ҳим воқеа-ҳодисалар шундоқ-кина кўз ўнгимизда юз берди. Январдан июлгача бўлган оралик жуда тигиз ўтди. Қурилган тадбирлар мантикий ўзвийлик касб этиб, ҳар қайси қадам ўлчанган, пухта ўйланганлиги билан ажралиб турди. Ва албатта, энг эътиборни тортадиган воқеалар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати билан боғлиқ равишда содир бўлди.

**Химоядан —
хужумга**

Ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам ташқаридан нигоҳ ташлаганда аниқроқ кўринади. Шу боис, Ўзбекистондаги ўзгаришлар минтақамиз ва бутун дунё аҳлининг назарига тушгани бежиз эмас.

Туркиянинг етакчи иқтисодий нашрларидан бири — “Defin Ekonomi” журнали шарҳловчилари ташқи сиёсатимиз тақвимиани диққат билан кузатиб келишади. Улар жорий йил боши-

да Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни ўз мамлакатаи ва минтақасидаги вазиятлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган жаҳоннинг ўн нафар етакчиси рўйхатига киритдилар. Мазкур рўйхатдан муҳим аҳамиятга молик қарорлари билан мавжуд вазиятни ўзгартириб юборадиган, бу билан халқаро майдондаги вазиятга фаол таъсир кўрсатадиган ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг “ньюсмейкери” ҳисобланадиган етакчилар номлари жой олди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбари мамлакатни либераллаштириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини тартибга солиш, диний эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган чуқур ислохотларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Янги раҳбарият томонидан мамлакатни амалда эркин бозор сари ҳаракатлантириш, ташқи савдо ҳамда валюта сиёсатини либераллаштиришга йўналтирилган ўта муҳим қарорлар қабул қилингани республиканинг хорижлик сармоядорлар учун жозибадорлигини оширди.

(Давоми 6-бетда).



Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари замирида одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш каби олижаноб мақсадлар мужассам.

Халқ ишончи

ҳар бир раҳбар фаолиятининг
бош мезони бўлсин!

Шу боис ушбу дастурлар

жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари том маънода умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.

Бироқ унинг ижросини сўзсиз таъминлашда айрим мутасаддилар томонидан жойларда сансалорлик ва бепарволикка йўл қўйилаётганлиги кишини ташвишлантиради. Бу бефарқлик

ва лоқайдлик мамлакатимиз

бўйлаб шиддат билан амалга оширилаётган ислохотларга бир оз соя солмоқда.

Авал хабар қилганимиздек, мухбирларимиз юртимиз туман ва шаҳарларида бўлиб, ушбу дастурлар ижроси қай даражада ҳаётга татбиқ этилаётгани билан қизиқдилар.

(Давоми 7-бетда).

Ҳамкорлик

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Покистон ишбилармонлар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур учрашувдан мақсад Покистоннинг Карачи, Лаҳор ва Равалпинди шаҳарларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва курилиш маҳсулотлари кўргазмасини очиш ҳамда келажақда уларни бутун Покистон бўйлаб тарқатишдан иборатдир.

Ўзбекистон маҳсулотлари Покистон бозорларидан мустақкам жой эгаллайди

Икки давлат ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон — Покистон ишбилармонлар кенгашини тузиш тўғрисида келишув имзолангани ҳамда апрель ойида эса унинг биринчи йиғилиши Исломободда ўтказилгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Учрашув давомида томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, Покистон бозорларига юртимизда ишлаб чиқарилган мева-сабзавотлар, қишлоқ ҳўжалиги техникалари, қурилиш ашёлари, маиший техникалар, тўқимачилик маҳсулотлари етказиб бериш, туризм соҳасида ҳамкорлигини ўрнатиш ҳақида келишиб олишди. Таъкидлаш ўринлики, ўтган йили Ўзбекистон ва Покистон ўртасида ўзаро товар айланмаси қарийб 36,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

**Дилшоод
УЛУҒМУРODOV,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида (янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

иктисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шунингдек халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш;

чет эллик шериклар муурожаат этган ҳолларда, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни тасдиқлаш;

Палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш;

чет эл ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ҳамда техник ёрдамини жалб этишда тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўмаклашиш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22-модда. Қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасида Палатанинг ваколатлари

Палата норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун улар юзасидан хулосалар берувчи ваколатли органдир.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари мажбурий тартибда Палата билан келишилиши лозим.

Палата норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мазмунига умуман ёки унинг бирор қисмига рози бўлмаган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органга тегишли хулоса киритишга ҳақли.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ёки унинг ривожланишини чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги Палата тавсиялари ва ёзма сўровлари қонунда белгиланган муддатларда мажбурий равишда қўриб чиқилиб, кейинчалик Палатга уларни қўриб чиқиш натижалари ҳақида асосланган хулосалар юборилиши лозим.

23-модда. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати

Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини қуйдаги йўллар билан амалга оширади:

давлат органларининг, биринчи навбатда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бажарилиши, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича фаолиятига доир зарур маълумотларни сўраб олиш ҳамда таҳлил қилиш;

давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг жамоатчилик-маслаҳат кенгашлари фаолиятида мажбурий равишда иштирок этиш;

давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасидаги фаолияти тўғрисида тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўров ўтказиш ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш юзасидан жамоатчилик экспертизасини тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантиришга доир давлат дастурларини, шунингдек ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар мониторингини амалга ошириш ва ушбу текширишларда иштирок этиш.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

24-модда. Палатанинг ҳудудий бошқармалари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Палатанинг тегишинча битта ҳудудий бошқармаси ташкил этилиши мумкин.

Палатанинг ҳудудий бошқармаси юридик шахс бўлиб, у Палата томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

25-модда. Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари

Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида ташкил этилади, туманлар ва шаҳарларда эса уларнинг бўлинмалари ташкил этилади ҳамда улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат органларининг ва бозор инфратузилмаси субъектларининг барча турдаги хизматларидан ҳамда бизнес-хизматлардан бир жойнинг ўзида фойдаланиш имкониятини бериш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, ахборот билан таъминланишда, давлат хизматларидан фойдаланишда (рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни олишда) кўмаклашиш;

бизнес-режалар ишлаб чиқиш, шунингдек лизинг, суғурта ва баҳолаш хизматларидан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш;

молиявий, товар-хом ашё ва табиий ресурслардан, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан, технологик машиналар ва усқуналардан, ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланишда, шунингдек ер участкалари олишда кўмаклашиш;

солик солиш, ҳодимларни ёллаш, статистика, молия, солиқ ҳисоботларини ҳамда бошқа ҳисоботларни топшириш, банк хизматлари, бинолар ва хоналарнинг ижараси ва (ёки) уларни олиш, шу жумладан давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича олиш соҳасида маслаҳатлар бериш;

халқаро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимини жорий этишда, кооперация алоқаларини йўлга қўйишда, шу жумладан ташқи савдодаги шериклар билан йўлга қўйишда, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кўмаклашиш;

тадбиркорлик субъектлари учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бозор инфратузилмаси субъектлари билан икки томонлама ва қўп томонлама музокараларни ташкил этиш.

Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.

26-модда. Ҳакамлик судлари

Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида ҳакамлик судлари фаолият кўрсатади.

Ҳакамлик судлари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

27-модда. Халқаро тижорат арбитраж суди

Палата ҳузурида чет эллик инвесторларнинг, шунингдек хорижий шериклар билан ўзаро муносабатларда миллий компанияларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича Халқаро тижорат арбитраж суди ташкил этилади.

Халқаро тижорат арбитраж суди ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

28-модда. Палатанинг хориждаги ваколатхоналари

Палата хорижий мамлакатларда ваколатхоналар ташкил этишга, шу жумладан савдо-инвестиция уйлари тарзида ваколатхоналар ташкил этишга ҳақли.

Хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва ушбу савдо-инвестиция уйлари қайси давлатлар ҳудудида ташкил этилган бўлса, ўша давлатларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўз харажатларининг ўрнини ўзи қоплаш ҳамда ўзини ўзи молиявий жиҳатдан таъминлаш принциплари асосида фаолият кўрсатади.

Палата хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали қуйидаги функцияларни амалга оширади: мамлакатимизда тайёрланган, экспортга йўналтирилган маҳсулотни хорижий бозорларда илгари суриш; Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий имкониятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда чет эллик инвесторлар ва уларнинг шериклари учун ахборот-маслаҳат бериб борилишини ташкил этиш; илгор технологияларни, шу жумладан мини-технологияларни уларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси тадбиркорларига етказиб бериш учун танлашда кўмаклашиш;

Палата ва унинг аъзолари манфаатларини хорижий мамлакатларда ифода этиш.

29-модда. Палатанинг эксперт кенгашлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек улар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш мақсадида Палата ҳузурида эксперт кенгашлари ташкил этилади.

Эксперт кенгашлари ҳуқуқий масалалар бўйича, шунингдек саноат, транспорт, қурилиш, молия, ахборот-коммуникация технологиялари, савдо ва хизматлар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда фаолиятнинг бошқа соҳалари бўйича ташкил этилиши мумкин.

Эксперт кенгашлари таркибига Палатанинг, тадбиркорлик субъектларининг, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат қилувчи органларнинг, шунингдек таълим, илмий-тадқиқот, эксперт муассасасаларининг ва бошқа муассасаларнинг вакиллари киради.

Зарур ҳолларда, эксперт кенгашлари мажлисларининг натижалари бўйича Палата ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашга доир норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар лойиҳаларини, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тақлифлар киритади.

Эксперт кенгашлари муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, қарорлар мажбурий тартибда қўриб чиқиш ва натижалари ҳақида маълум қилиш учун тегишли давлат органларига юборилади.

Эксперт кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Палата ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

30-модда. Палатанинг мулки

Бинолар, иншоотлар, усқуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ҳамда уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк Палатанинг мулки бўлиши мумкин.

Палатанинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

31-модда. Палатанинг мол-мулкини шакллантириш манбалари

Палатанинг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари; Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасидан келиб тушадиган, фақат бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқитиш учун мақсадли йўналтириладиган маблағлар; вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий воситаларга жойлаштиришдан олинган даромадлар; пуллик хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар; тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолиятидан олинган даромадлар; Палата томонидан таъсис этиладиган корхоналарнинг фойдасидан ажратмалар; халқаро донорларнинг грантлари ва ҳомийларнинг маблағлари; қонун ҳўжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар ва тушумлар.

32-модда. Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари

Палата аъзолари Палата уставида белгиланадиган тартибда ҳамда миқдорларда кириш ва аъзолик бадаллари тўлайди.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

33-модда. Палатанинг халқаро ҳамкорлиги

Палата қонун ҳўжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига аъзо бўлиши, тўғридан-тўғри халқаро мулоқотлар ва алоқаларни йўлга қўйиши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

34-модда. Низоларни ҳал этиш

Палатанинг фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

35-модда. Палата ва унинг аъзолари мажбуриятлари бўйича жавобгарлик

Палата ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавоб беради. Палата ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Палата аъзолари Палатанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

36-модда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонун ҳўжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонун ҳўжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўсимликлар карантини тўғрисида (янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **карантин остидаги маҳсулот** — ўсимликлар карантини объектларини ташувчилар бўлиши мумкин бўлган ўсимликлар, уларнинг қисмлари, экиш материаллари, қайта ишлаш маҳсулоти, бошқа маҳсулот ва юklar;

карантин рухсатномаси — карантин остидаги маҳсулотни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга ёки унинг ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтишга рухсат берилганлигини тасдиқлайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан берилган ҳужжат;

карантин чекловлари — карантин остидаги маҳсулотни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни, ташишни ва улардан фойдаланишни ўсимликлар карантини объектлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида муайян муддатга чекловчи фитосанитария тадбирлари;

ўсимликлар карантини — қишлоқ ҳўжалигига ва бошқа ўсимликлар дунёсига зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини объектлари кириб келишининг, тарқалишининг олдини олишга ҳамда бундай объектларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуи; **ўсимликлар карантини объекти** — дунёда карантин аҳамиятига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлмаган ёки чекланган тарзда тарқалган зарarli организмлар;

ўсимликлар карантини объектларини ташувчилар — ўсимликлар карантини объектларининг тарқалишига имконият туғдириши мумкин бўлган транспорт воситалари, қишлоқ ҳўжалиги машиналари, ерга ишлов бериш қуроллари, идишларнинг барча турлари, айрим саноат товарлари, қадоқлаш воситалари, шунингдек ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган буюмлар, яхлит тошлар, тупроқ намуналари ва (ёки) бошқа объектлар;

фитосанитария сертификати — карантин остидаги маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи халқаро намунадаги ҳўжжат;

фумгация — ўсимликлар карантини объектларини ва бошқа зарarli организмларни йўқ қилиш мақсадида уларни кимёвий воситаларнинг газлари билан зарарсизлантириш.

4-модда. Фитосанитария талаблари

Карантин остидаги маҳсулотга, уни олиб киришга, олиб чиқишга, ишлаб чиқаришга, қайта ишлашга, сақлашга, ташишга, реализация қилишга ва йўқ қилишга доир талабларни белгилайдиган, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, юридик ва ҳисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган ҳужжатлар фитосанитария талабларидир.

Фитосанитария талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (бундан буён матнда Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан тасдиқланади ва агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

2-боб. Ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солиш

5-модда. Ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ўсимликлар карантини соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ўсимликлар карантини бўйича давлат назоратини амалга ошириш;

ташқи ва ички ўсимликлар карантини бўйича тадбирлар тизимини амалга ошириш;

ўсимликлар карантини соҳасида фитосанитар хавфсизлиқни таъминлаш;

ўсимликлар карантини соҳасида самарали мониторинг олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш;

ўсимликлар карантини соҳасида халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўсимликлар карантини соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ўсимликлар карантини соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Ўсимликлар карантини тўғрисида (янги таҳрири)

(Давоми. Бошланishi 1, 3-бетларда).

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига, шунингдек тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бўйсунadi.

Ўсимликлар карантини илмий маркази Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига бўйсунadi.

Туманлар ва шаҳарларнинг ўсимликлар карантини давлат инспекторлари, автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти тегишинча юқори турувчи ўсимликлар карантини давлат инспекцияларига бўйсунadi.

10-модда. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига рахбарлик қилиш

Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига рахбарлиқни Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига рахбарлиқни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг бошликлари Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади. Туманлар ва шаҳарларнинг ўсимликлар карантини давлат инспекторлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан лавозимга тайиннланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

Автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктларидаги ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пунктидаги ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига ўсимликлар карантини тегишли чегара пунктларининг ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан лавозимга тайинлнанадиган ва лавозимидан озод қилинадиган мудирлари бошчилик қилади.

11-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ваколатлари

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ўсимликлар карантини бўйича дастурлар ва тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади, бу дастурлар ва тадбирларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз вақтида бажарилиши учун жавобгар бўлади;

ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган буйруқлар чиқаради, йўриқномаларни, ўсимликлар карантини қоидаларини ва фитосанитария талабларини белгиланган тартибда тасдиқлайди ҳамда ташкилотлар ва аҳоли эътиборига етказadi;

карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш чоғидаги ўсимликлар карантини қоидаларини белгилayди, халқаро савдо контрактларига (шартномаларига) Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига ўсимликлар карантини объектлари кириб келишининг ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган талаблар киритилишини кўриб чиқади, шунингдек хулосалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган экиш материаллари, карантин остидаги маҳсулотлар ва уларнинг тарқалиш ҳудудлари рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган карантин остидаги маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлайди;

фитосанитария талабларини тасдиқлайди; автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктлари ва почтамтдаги ўсимликлар карантини пункти, шунингдек ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича махус фумигация бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

карантин рухсатномасини беради; ўсимликлар карантини соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, халқаро ташкилотларда ўсимликлар карантини бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилади;

ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича махус фумигация бўлинмаларини ташкил этади, ўсимликлар карантини объектларига қарши кураш олиб боришда шахсий томорқа, фермер ва деҳқон ҳўжаликларига, ўрмон ҳўжаликларига, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатади; экспортга жўнатилаётган ва хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган карантин остидаги маҳсулотнинг ҳамда ўсимликлар карантини объектларини ташувчиларнинг карантин текширувини ва лаборатория экспертизасини ўтказadi;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини карантиндаги ҳудудларга ва микроҳудудларга бўлиб чиқади; карантиндаги зараркунандаларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашиш борасидаги илм-фан ютуқларини ва илғор тажрибани, инновацион усуллар, воситалар ва усулларни тарғиб қилиш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга, аҳоли ўртасида ўсимликлар карантини объектлари тўғрисидаги билимларни тарқатишга доир ишларни ташкил этади;

тегишли ҳудудда карантинни жорий этиш (бекор қилиш) тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдимномалар киритади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўсимликлар карантини, карантин чекловларини қўллаш бўйича ҳар йилги дастурларни ҳамда тадбирлар режаларини тасдиқлайди; Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини, Ўзбекистон

Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган экиш материаллари, карантин остидаги маҳсулотлар ва уларнинг тарқалиш ҳудудлари рўйхатини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган карантин остидаги маҳсулотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритади.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари:

карантин остидаги маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш, қабул қилиш пунктлари жойлашган ерларни ва уларга туташ ҳудудларни, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни, ўрмон фондининг, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерларини ўсимликлар карантини объектларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида назорат текширувларидан ўтказишни ташкил этади;

аниқланган зарарланиш ўчоқларининг кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш, шунингдек ўсимликлар карантини объектларини олиб кириш йўлларини аниқлаш ҳамда тўсиш бўйича шошилинч чоралар кўради;

фитосанитария сертификатини, ички фитосанитария сертификатини, рэкспорт учун фитосанитария сертификатини, транспорт бирликларини очиш тўғрисидаги далолатномани ва карантин кўриги далолатномасини беради;

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан келадиган карантин остидаги маҳсулотни соғломлаштириш ва зарарсизлантириш, шунингдек транспорт воситаларини зарарсизлантириш устидан назоратни амалга оширади;

тегишли ҳудудди ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш (карантинни бекор қилиш), зарур карантин чекловларини қўллаш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдимномалар юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Ўсимликлар карантини илмий маркази

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг илмий таъминотини Ўсимликлар карантини илмий маркази амалга оширади.

Ўсимликлар карантини илмий маркази ўсимликлар карантини объектларининг биоэкологик хусусиятларини ва уларга қарши курашиш усулларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради.

Ўсимликлар карантини илмий маркази ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш соҳаси ходимларининг касбий билимлари ва малакаси оширилишини, ўсимликлар карантини объектлари тўғрисидаги билимларнинг аҳоли ўртасида тарқатилишини таъминлайди.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидаги ўсимликлар карантини пунктлари

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотни (шу жумладан транзит юкларни) текшириш ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан ўсимликлар карантини чегара пунктларида ўтказилади.

Ўсимликлар карантини чегара пункти Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси пунктида, ички ҳудудлараро чегара пунктларида ташкил қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хоналар билан, текширувлар ўтказиш ва намуналар олиш, фитосанитария экспертизасини ва фумигация ишларини амалга ошириш учун воситалар, алоқа воситалари ва Интернет тармоғи билан таъминланади.

Ўсимликлар карантини давлат инспектори фитосанитария сертификатининг қалбақилгини, белгиланган талабларга мувофиқ эмаслигини аниқлаган ёки карантин остидаги маҳсулотларда ўсимликлар карантини объектлари мавжудлиғи тўғрисида шубҳа бўлган тақдирда, ушбу карантин остидаги маҳсулот ўсимликлар карантини тегишли чегара пунктида ушлаб турилади ва бу ҳақда Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига хабар берилади.

15-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари

Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторидир, унинг ўринбосарлари ва Ўсимликлар карантини илмий марказидagi директори Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг ўринбосарларидир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларидир.

Туманлар ва шаҳарлар ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўз фаолятини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг агрономлари, автомобиль йўлларидаги, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портидаги ўсимликлар карантини чегара пунктларининг, шунингдек почтамтдаги ўсимликлар карантини пунктнинг мудирлари ва агрономлари, ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш бўйича махус фумигация бўлинмаларининг бошлиқлари ва мутахассислари ўсимликлар карантини давлат инспекторларидир.

16-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ҳуқуқлари

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қўйидагиларга ҳақли:

карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва ҳўжалик бошқаруви

органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига монеликсиз киришга;

ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларининг бузилишларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритишга;

лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш учун карантин остидаги маҳсулотдан намуналар олишга;

ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда ўсимликлар карантини қоидаларига мувофиқ карантин чекловлари ўрнатишга, олиб кирилган карантин остидаги маҳсулотни ушлаб туришга, олиб қўйишга ёки қайтариб юборишга;

кириб келаётган ва жўнатилаётган, ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ ўсимликлар карантинига доир тадбирлар татбиқ этиладиган юклар тўғрисида божхона органларидан, темир йўл станцияларининг, автовокзалларнинг (автостанцияларнинг), аэропортларнинг, дарё портларининг (пристанларининг), почтамтларнинг, деҳқон бозорларининг ва бошқа ташкилотларнинг маъмуриятларидан маълумотлар талаб қилишга;

зарур бўлган тақдирда карантин остидаги маҳсулотни кўздан кечириш ва зарарсизлантириш ишларини амалга ошириш учун ёрдамчи ишчилар, хизмат хоналари ва ёрдамчи материаллар берилишини юкларнинг эгаларидан талаб қилишга.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг мажбуриятлари

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари:

ўсимликлар карантини объектларининг ўсимликлар карантини объектларидан холи бўлган ҳудудга кириб келишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриши;

ўсимликлар карантини объектларига ташхис қўйиш мақсадида лаборатория текширувлари ва бошқа текширувлар ўтказилишини ташкил этиши;

тегишли органлар ва ташкилотларни чегараолди ҳудудларда, қўшни давлатларда юзага келган карантин ҳолати тўғрисида хабардор қилиши, ўсимликлар карантинига доир тадбирларни амалга ошириши ҳамда зарур тавсиялар бериши;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур фитосанитария талабларини бажариш тўғрисида тақдимномалар юбориши; ўсимликлар карантини қоидаларига номувофиқлик ва фитосанитария талаблари бузилганлиғи фактлари аниқланганда темир йўл вагонларидан, кемалардан, самолётлардан ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишга доир тақиқ ўрнатиши шарт.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-бoб. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18-модда. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳуқуқлари

Карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур ҳолларда, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати вакиллари билан биргаликда ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талаблари сўзсиз бажарилишини таъминловчи тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш;

ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш учун ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматидан карантин остидаги маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва қабул қилиш пунктлари жойлашган ерларни, уларга туташ ҳудудларни, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни, ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерларини назорат текширувларидан ўтказишни талаб қилиш;

ўсимликлар карантини объектлари тўлиқ йўқ қилинганидан кейин ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига карантин чекловларини бекор қилиш бўйича тақлифлар киритиш.

Карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19-модда. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги мажбуриятлари

Карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар:

ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати назорати остида текширишга (кўздан кечиришга) ва ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишга доир ишларни, шунингдек ушбу карантин объектлари тарқалишининг олдини олишга доир тадбирларни амалга ошириши;

белгиланган тартибда карантин рухсатномаси ва (ёки) ички фитосанитария сертификати олинмаган карантин остидаги маҳсулотни қабул қилмаслиғи;

хорижий мамлакатлардан ва Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудларидан карантин остидаги маҳсулотни олиб киришда ўсимликлар карантини қоидаларига риоя қилиши; тегишли юклар сақланadиган омборхоналарда ҳар йили камидя бир марта профилактик фумигация ишларини белгиланган тартибда амалга ошириши шарт.

Карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиғи ўсимликлари, доривор ўсимликлар, дарaxт ва буталар етиштириш, ўсимликларнинг янги навлари селекцияси билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ўсимликлар карантини объектларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида экинлар ва дарaxтларни тизимли равишда кузатиб боришни амалга ошириши, улар аниқланган тақдирда эса бу ҳақда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини дарҳол хабардор қилиши, шунингдек аниқланган ўсимликлар карантини объектларини бартараф этиш бўйича чоралар кўриши шарт.

5-бoб. Ўсимликлар карантинига доир тадбирлар ва уларни амалга ошириш

20-модда. Ўсимликлар карантинига доир тадбирлар

Ўсимликлар карантинига доир тадбирларнинг мақсади ўсимликлар карантини объектларининг хорижий мамлакатлардан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини объектлари тарқалган ҳудудидан Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини объектларидан холи бўлган ҳудудларига кириб келиши натижасида зарар етказилиши хавфининг олдини олиш, уни чеклаш ва бартараф этишдан ibорат.

Ўсимликлар карантинига доир тадбирлар:

табиий шарoитлардаги мавҳуд ўсимлик дунёсига, қишлоқ ҳўжалигига, ўрмонларга, доривор, манзарали ўсимликларга, шу жумладан уларнинг уруғлари, қўчатлари ва қисмларига (қаламчаси, пйёзи, туғунаги, мевасига ва бошқаларга), шунингдек ўсимликлар карантини объектларини ташувчи бўлиши мумкин бўлган бошқа ўсимлик маҳсулотига;

тирик замбуруғларга, бактериялар, вируслар, нематодалар, каналар, ҳашаротларга; ҳашаротларнинг, ўсимликлар касалликларини кўзгатувичиларнинг коллекцияларига ва улар етказадиган зарарларнинг намуналарига, шунингдек гербарийларга ва уруғларнинг коллекцияларига;

хорижий мамлакатлардан ва Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудларидан кириб келаётган ўсимликларга, қишлоқ ҳўжалиғи машиналарига, ерга ишлов бериш қуролларига, идишларнинг барча турларига, айрим саноат товарларига, қадоқлаш воситаларига, шунингдек ўсимлик материалларидан тайёрланган буюмларга, яхлит тошларга, тупроқ намуналарига, транспорт воситаларига ҳамда бошқа ўсимликлар карантини объектларини ташувчиларга;

ўсимлик маҳсулотини етиштирадиган, тайёрлайдиган, гамлайдиган, қайта ишлайдиган ҳамда реализация қиладиган қорхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлари ва бинаоларига, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларга ва ўрмон фонди ерларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига, шунингдек қишлоқ ҳўжалиғи мақсадларида фойдаланилмайдиган ерларга (йўлларга, электр ўтказгичлар атрофидаги ерларга ва бошқаларга) ҳамда давлатнинг чегараолди ҳудудларига нисбатан татбиқ этилади.

21-модда. Карантин ўрнатиш ва уни бекор қилиш тартиби

Ўсимликлар карантини объектлари аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) ўсимликлар карантини давлат инспекторининг тақдимномасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан фермер ва деҳқон ҳўжалиklarининг, ўрмон ҳўжалиklarларининг ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портлари, шаҳарчалар, посёлкалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек уларга туташ ҳудудлар ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинади ёки уларда зарур карантин чекловлари ўрнатилади.

Туманлар ва шаҳарларни ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш ёки карантин чекловларини ўрнатиш тегишли ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳудудларини ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш ёки карантин чекловини ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудда ўсимликлар карантини ўчоғининг тарқалишига йўл қўйилмайди, унга туташ ҳудудларда ўсимликлар карантини объектлари тарқалишининг олдини олишга ва уларни йўқ қилишга қаратилган ўсимликлар карантинига доир тадбирлар ўтказилади.

Карантин остидаги маҳсулотни карантин чекловлари ўрнатилган ҳудудлардан олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш шартлари ўсимликлар карантини қоидаларига мувофиқ ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан белгиланади.

Ҳудудда ўрнатилган карантин чекловлари ўсимликлар карантини бўйича зарур тадбирлар ўтказилганидан ва ўсимликлар карантини объектлари тўлиқ йўқ қилинганидан кейин, тегишли ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг тақдимномаларига кўра чекловлар ўрнатган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан ёки Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бекор қилинади.

22-модда. Фитосанитар дала назорати ва уни ташкил этиш

Фитосанитар дала назорати ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг фитосанитар тозалигини таъминлаш, уларда ўсимликлар карантини объектларининг мавжудлигини ёки мавҳуд эмаслигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Фитосанитар дала назорати ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Фитосанитар дала назорати ўтказилганидан кейин далолатнома тузилади ва амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар белгиланади.

Хумо қуши юксак парвозга шайланмоқда

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президент Шавкат Мирзиёевнинг муҳим, эътиборга муносиб қадамларидан бири бошқа давлатлар, авваламбор, қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни тубдан яхшилаш йўлини тугганида намён бўлди.

Футбол бўйича жаҳон чемпионати давом этаётган шу кунларда АҚШ Ташқи сиёсат кенгаши ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Сванте Корнелл Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий курси ўзгаришларига нисбатан жуда ўринли, ўта аниқ ташбехни келтирди. “Агар футбол атамалари билан ўхшатиш қиладиган бўлсак, илгари Ўзбекистон ҳимоя усулини қўлаб келарди. Лекин Президент Мирзиёев раҳбарлигида уни ҳужум усулига алмаштирди”, деди Корнелл.

Бу танлов мутлақо бошқаларга қарши қаратилган эмас. Эксперт фикрича, у Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар, Афғонистон, Ғарбдаги шериклар ҳамда бошқа давлатларнинг манфаатига мос ва деярли ҳамохандир. Шу билан бирга, Ўзбекистон сўнгги йиллардаги эришган ютуқларидан келиб чиқиб, фаол позицияни эгалляпти.

Шубҳасиз, эътироф ўз-ўзидан юз берадиган ҳаракатларнинг эмас, балки пишиқ-пукта мақсадга йўналтирилган прагматик тадбирларнинг натижасидир. Мамлакатимиз раҳбари ташқи сиёсатнинг мазмунини бойитиш, самарадорлигини ошириш вазифасини, аввало, Олий Мажлисга Мурожаатномасида, сўнг жорий йилнинг январь ойида бўлиб ўтган Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишда илгари сурди. Айни шу ерда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари” тақлиф этилди, кейинроқ Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги Фармонда барча вазифалар ўз ифодасини топди.

“Аввал” ва “энди” ўртасидаги фарқ

Дунё мамлакатлари билан муносабатда ҳамкорликни жадаллаштириш учун жиддий сэй-ҳаракатлар амалга оширилди. Агар рақамлар кесимида айтадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг фаол, чуқур ўйланган очик ташқи сиёсати қўйидаги қарарлар аққол кўринади: январдан июнгача еттига олий даражадаги ташрифлар алмашинуви, 20 дан ортик давлат ва халқро тузилмаларнинг раҳбарлари билан учрашув ва музокаралар ўтказилди, 89 та халқро шартнома ва битим имзоланди. Ташқи ишлар вазири яқинда парламент юқори палатасининг ялпи мажлисида келтириб ўтгандек, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар раҳбарлари даражасида 120 та ташриф уюштирилди, ҳукуматларро қўшма коммисияларнинг 10 та йиғилиши, 6 марта ташқи ишлар вазирликлрининг маслахатлашуви ҳамда 2 марта хавфсизлик масалалари бўйича маслахатлашув бўлиб ўтди. Шунингдек, 656 та кўргазма, анжуман, тақдиротлар, 30 дан зиёд бизнес-форумлар ўтказилди. Республикаимизга ишбилармон ва тадбиркорларнинг 572 та делегацияси ташриф бурди.

Тор фиркловчи киши: хўш, бу учрашувлар нима беради, улар аввал бўлмаганими? — деб ўйлаши мумкин. Тўғри, бўлган. Аммо “аввал” ва “энди” сўзларининг ўртасида катта фарқ бор.

Январдаги йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳар ким ўз фаолиятининг реал натижаларини кўрсатиши бўйича топшириқ берди. Энди элчилар ишида инвестиция жалб қилиш ва сайёҳлар оқимиини кўпайтириш асосий мезонлар бўлиб ҳисобланади. Хориждаги ваколатхоналаримиз, элчихоналарда савдо ва инвестиция бўйича дипломат ходимлар штатини киритиш, кенгайтириш ҳақидаги ташаббус мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри фойда келтиришга қаратилган. Бундан ташқари, ҳар қайси элчихонага вилоятлар, иқтисодиёт тармоқлари, йирик корхоналари бирик-тиришга қарор қилинди.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти йўналишларини бир мақсад ва стратегия атрофида бириштириш орқали 17 миллиард АҚШ долларилк 182 та лойиҳани амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Инвесторлар Ўзбекистонда катта имкониятларни кўрдилар. Тўғри, мамлакатимиз илгари ҳам жўғрофий жойлашуви, инфратузилмаси, қазилма бойликлари, меҳнат ресурслари билан бошқаларни ўзига жалб қилиб келган. Лекин муаммо кўпича давлат амалдорларининг сусткашлиги ва турли тўсиқ-

ўтган давр мобайнида Президентимиз Шавкат

Мирзиёев томонидан **118** та Фармон қабул қилинган,

унинг **54** таси иқтисодиётни ривожлантириш ва

эркинлаштириш, **22** таси эса суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ

қилиш билан боғлиқ. Шунингдек, **29** та янги қонун

қабул қилинган ва уларнинг **19** таси шу йўналишларга

тегишли. Мақолада қайд этиладики, Ўзбекистон

Президенти иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришга

жиддий киришган ва бугунги кунда улар жадал суръат

билан давом эттириляпти.

лар билан боғлиқ бўлиб, мавҳуд афзалликлардан етарлича фойдаланилмаган. Хусусан, фойдани валютага конвертация қилиш деярли мумкин бўлмаган давлатда бизнес юришмидан маъни бормиди ўзи? Ҳаттоки, келиб, вазиятни ўрганиш учун ҳам элчихонага бир неча бор “таъзим қилиш”, сўнг асаблар қашшаб визани кутишга тўғри келар эди.

Кўрилатган тадбирларнинг мантқий узвийлиги катта аҳамият касб этаётгани, яъни бир ижобий ечим кейингисига йўл очётгани ҳақида юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Конвертациянинг изга тушуши февраль ойида яна бир муҳим қарорни қабул қилишга замин яратди, яъни виза бекор қилинди ёки уни олиш соддалаштирилди. Бу янгилик 40 дан ортик давлатларда уфкан резонанс келтириб чиқарди. Уни нафақат ОАВда қиз-қиз муҳожима қилишди, балки юқори даражадаги раҳбарлар ҳам шарҳлай бошлашди. Чунончи, эрта баҳорда Ўзбекистонга ташриф булорган Режеб Таййип Эрдуғон Туркия фуқаролари учун 30 кунгача муддатга визасиз тартиб ўрнатилганини юксак баҳолади, бу-

нинг учун Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди.

Бошқа қитъалар вакиллари-чи? Улар ҳам сайёҳларнинг ортиқча қоғозбозлиқдан халос бўлганини олқишладилар. ТИВ хабарига кўра, қатор давлатлар учун визасиз тартиб ўрнатилгани ва уни олиш соддалаштирилгани Ўзбекистонга келади-ган сайёҳлар оқимиини икки бараварга кўпайтирди. Беш ой ичида мамлакатимизга 2,2 миллион нафардан зиёд чет эл фуқаролари ташриф бурюди. Шундай қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш 93 фоизни ташкил этди. Келгусида бундан ҳам юқори бўлиши кутилмоқда. Негаки, куни кеча Президентимизнинг яна бир қарори эълон қилинди. Унга кўра, жорий йил 15 июлдан бошлаб виза расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик идораларига мажбурий мурожаат этишлар бекор қилинди, кириш визасини олиш муддатлари қисқартирилди, энг аҳамиятлиси, эндиликда электрон қарши визаларини расмийлаштириш ва бери-риш учун “E-VISA.UZ” тизими жорий этилади.

Биз ва дунё

Янги даврнинг яна бир ёқимли жиҳати — хорижда Ўзбекистон тўғрисида кўпроқ ёза бошлашди. Медиа-макон аудиторияси мамлакатимиз ҳақида батафсил маълумот олишга киришди. Бу жуда муҳим. Майли, кўпми-озми, ҳар иккинчи, бешинчи, ўнинчи, ҳатто йигирманчи киши Буюк Ипак йўлида жойлашган юрт ҳақида бирор янгилик билан танишар экан, уни келиб қуришни, албатта, хохлаб қолади, шу ерда иш юришти имкониятларини чамалаб кўради. Бинобарин, турли кўринишда берилган ахборот ўқувчиларда тасаввур ва тегишли ҳулосаларни ҳосил қилади. Уларга таърибани ҳам қўшсак, ҳар бир мамлакат учун жуда қимматли ҳисобланувчи “обру” деган тушунча, замонавийроқ қилиб айтсак, “жозибадор имидж” шаклланади.

Кўпгина хориж нашрларида юртимизга нисбатан тез-тез ишлатилаётган бир жумлани кузатиш мумкин. Лондонда чиқадиған “Foreign Direct Investment Magazine” халқро бизнес-журналининг бош муҳаррири Кортни Фингар бу фикрни ўз мақоласининг сарлавҳасига



чиқарди — уни “Ўзбекистонда бурилиш” деб атади.

“DI Magazine” бош муҳаррири Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларни Шавкат Мирзиёевнинг фаолияти билан боғлайди ва қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида бошқа йўналишлар қатори иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича вазифалар ҳам акс этганини таъкидлайди. Амалга оширилган сэй-ҳаракатлар туфайли мамлакатимиз Жаҳон банкининг “Doing Business-2018” ҳисоботида илгор ўнталика кирилди. Муаллифнинг санаб ўтишича, ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари 118 та Фармон қабул қилган бўлиб, унинг 54 таси иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш, 22 таси эса суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Шунингдек, 29 та янги қонун қабул қилинган ва уларнинг 19 таси шу йўналишларга тегишли. Мақолада қайд этиладики, Ўзбекистон Президенти иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришга жиддий киришган ва бугунги кунда улар жадал суръат билан давом эттириляпти.

Бундай сиёсат нафақат обрўли инвест-журнал вакилининг эътиборини тортиди. Дунё сари очилаётган мамлакатимиз глобал молиявий секторни ҳам қизиқтиряпти.

Евросиёе тарққиёт банки халқро банкларининг инвестициявий фаолияти шарҳига кўра, йилнинг биринчи чорагида шу каби кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилган молиялаштиришнинг энг кўп ҳажми МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистонга тўғри келган. Яъни мамлакатимиз 841 миллион доллар маблағни жалб қилган, бу эса Ҳамдўстлик давлатлариға берилган маблағлар умумий ҳажмининг 78 фоизини ташкил этади. Кўриниб турибдики, ишбилармонлик оламида ҳамённинг ҳажми мамлакатнинг очикилиги, обрўси ва имиджи, у ҳақдаги маълумотнинг қўллиги билан боғлиқ.

Тарихни ким ёзади?

Энг янги тарих айни шу кунларда ёзил-япти. Шубҳа йўқки, келажақда бу бўйича тайёрланадиган дарсликлар анча қалин қитобларга айланади. Уларга, жуда қисқа давр — бир неча ой давомида ўтказилган учрашувлар, илгари сурилган ташаббуслар киритиладики, у тарихнинг энг ёрқин лавҳалари бўлиб қолажак.

Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифининг ўзидёк алоҳида бир бўлаб аргумлиқ. Эс-ланг, Душанбеда ёмғир ёғиб туришига қарамай, азиз меҳмонни қилиб олиш учун ўн минглаб одамлар кўчага чиқди. Сами-мий табассум, бир-бирини соғиниб қолган қўшниларнинг астойдил шодлиги

ҳукмрон бўлди ўша онларда. Икки томонлама музокаралар оддий халққа 30 кун-гача визасиз борди-келди имкониятини берди, қариндош-уруғ ва дўстларни бирлаштирди. Ўтиш пунктлари очилди. Шунингдек, Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Президен-тимиз ташаббуси билан Остонада ўтказилган биринчи маслахат кенгаши каби тадбирлар ҳам минтакавий ҳамкорликда янги қирраларни очди. Куни кеча 20 йиллик тўйини кенг нишонлаган ушбу ша-ҳарда дўстлик ришталари билан боғлан-ган қўшни мамлакатлари ўртасида яна самимий мулоқотлар бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Америка Қўшма Штатлариға расмий ташрифи стратегик шерикликнинг янги даврига асос солди. Мезбон давлат маъмурияти ўзбек етакчисининг ташрифини тарихий деб атади. Дональд Трамп юқори мартаба-ли меҳмонни: “Сиз билан Оқ уйда учра-иш биз учун шараф”, деган сўзлар билан кутиб олди. У Ўзбекистон АҚШ учун муҳим давлат ва стратегик шерик бўлиб қолишини, республикамизнинг минтақа-даги мавқеи ортиб бораётганини қайд этди. АҚШ Президентининг сўзларига қараганда, Ўзбекистондаги Президентлик сайловидан кейин мамлакатларнинг ўзаро муносабатлари янги босқичга чиқди.

Биргаликда қабул қилинган ҳужжатлар ўта салмоқли, у 4,8 миллиард долларлик 20 дан ортик шартнонамаларни ўз ичига олади. Бу фақат бошланиши. Мамлака-тимиз билан ҳамкорлик масаласига эъти-борнинг янада кучайганидан яқиндагина хабар қилинган янгилик ҳам даълолат бе-ради. Яъни АҚШнинг Ўзбекистондаги янги элчиси вазифасига Даниел Розенблюм-нинг номзоди тавсия этилди. У айни пайт-гача АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчи-си ўринбосари лавозимида ишлаган, демек, минтақада муносабатларни ривож-лантиришга масъул бўлган, катта таъри-ба ортирган.

Давлатимиздаги миссиясини якун-лаётган элчи Памела Спратлен хоним ай-

Тахлилчилар фикрича, минтақада ҳар томонлама ҳамкорликни мус-таҳкамлаш бўйича мамлакатимиз тақлифларининг сўзсиз қўлаб-қувватла-ниши бу жараёни бутун дунё ҳамжамияти ҳам олқишлайётгандир, деб ҳисоблаш мумкин. Демак, ушбу жараёнлар байроқдори Ўзбекистон — энг тўғри йўл билан шиддатли қадамлар ташлаб олдинга ҳаракатланмоқда.

Мушоҳадаларимиз дебючасида давлатимиз тўғрисидаги Хумо қуши пар-возига тўхталиб ўтган эдик.

Хумо — эзгулик, ахшилик, бунёдкорлик, поклик, ҳалоллик, адолат, меҳру оқибат, раҳм-шафқат, умид ва орзуларнинг абадиятга дахлдор тимсоли-дир. У юксак парвозини бошлади. Буни эса бутун дунё кўрмоқда, кузат-моқда. Жўшқин воқеяликнинг мазмун-моҳияти айнан ана шунда.

Ўтқир РАҲМАТ.

ТАЪЛИМДАГИ КОРРУПЦИЯ — ЭНГ ОЛИЙ ЖИНОЯТ



Мамлакатимиз таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, унинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, олий ўқув юртлариға қабул жараёниларининг шаффофлигини таъминлаш, таълимдаги коррупция ва порахўрликнинг олдини олишга ҳам астойдил киришилган. Аммо...

Порахўрликка қарши кураш максадида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирларға қарамай, “ўқишға киритиб қўяман, тестни ҳал қилиб бераман”, деган ва шу орқали мўймай пул ишлаб олиш илинқидаги фирибгарлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Афсуски, “Фарзандим диплом олса бўлди, у ёғи бир гап бўлар” қабиллида иш тутадиган, фарзандининг қобилияти, билими ва салоҳия-тини етарлими ёки йўқ, бунга иккинчи даражали масала сифатида қарайдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Очиги, ушбу ҳолатлар йиллар давомида таълим тизимидаги коррупциянинг энг оғирлиқ нуқтаси бўлиб келди.

Соҳадаги ислохотлар сабаб вазият тубдан ўзгарди, кимнинг билими, қобилияти, салоҳияти бўлса, уша одам ўқийди, деган таълимдаги амал қилина бошланди. Шу боис эндиликда таълимдаги коррупцияни тағ-томири билан йўқ қилишға астойдил киришилган. Бу борадаги дастлабки қадам тест имтиҳонларини топшириш жараёнини тартибга солиш билан бошланди.

Президентимизнинг жорий йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий

таълим муассасаларига ўқишға қабул қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан, мамлакатимиз олий таълим даргоҳлариға қабул учун квоталар сони ўтган йилдагига қараганда қарийб 8 ярим мингтага кўпайди. Барча жараён нафақат давлат орган-лари, балки кенг жамоатчилик назорати остида шаффоф тарзда ўтадиган бўлди.

Қисқаси, ҳужжат қабул қилишдан бошлаб, тест имтиҳонларини ўтказиш жараёнигача абитуриентлар учун барча шароит ва имконият яратилляпти. Асосийси, ҳаққонийлик ва очикилик таъминлиға амал қили-наётир.

Лекин коррупцияға қарши кураш тобора қатъий бўлиб бурса-да, ажи-рак каби унинг илдишлари ҳали-ҳануз сақланиб қолган кўринади. Астойдил таълим олиб, не-не орзулар билан ўқишға топширган ёшлар манфаатини ҳатлаб ўтиб, ҳаром лўк-ма билан кун кечиряшини ўзига одат қилган айрим нопок инсонлар ҳозир ҳам учраб тургани жамиятимиздаги соғлом муҳитга салбий таъсир қил-моқда. Айниқса, янги ўқув йили бош-лангани арафасида бу каби қўнғир амалиёт у ер, бу ерда урчиқ бош-лаши ҳам бор гап. Бундай ҳолат на-

фақат олий таълим даргоҳларида, балки лицей ва коллежларда, ҳатто умумтаълим мактабларида ҳам қўзғаташланаётгани ачинарли ҳол бўлбта.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларға қарши кура-иш департаменти томонидан ўтказилган текзор тадбирда Юнус-обод тумани ХТБға қарашли 247-умумтаълим мактаби директори С. Тўламетова ва фуқаро С. Алмасовдан фарзандини мактабнинг 1-синфиға ўқишға қабул қилиши эвазига 500 минг сўм пора олаётган вақтида қўлга олинди.

Ёки Тошкент миллий хунарманд-чилик касб-хунар коллежи директо-рининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Д. Вахобова ўқишини оилавий шароитлар туфай-ли тамомлай олмаган Ў. Қорабоев-га мазкур коллежни битирганлик тўғрисидаги дипломи расмий-лаштириб бериш эвазига ундан 400 минг сўм олган вақтида ашвёйи далиллар билан қўлга олинди. Маъна-вий-маърифий ишлар бўйича дирек-тор ўринбосари бўла туриб, ёшлар-римизни қўнғир йўлга бошлаган Вахобованинг қилмишини қандай тушуниш мумкин?

Коррупцияға қарши кураш тобора қатъий бўлиб бурса-да, ажирак каби унинг илдишлари ҳали-ҳануз сақланиб қолган кўринади. Астойдил таълим олиб, не-не орзулар билан ўқишға топширган ёшлар манфаатини ҳатлаб ўтиб, ҳаром лўкма билан кун кечиряшини ўзига одат қилган айрим нопок инсонлар ҳозир ҳам учраб тургани жамиятимиздаги соғлом муҳитға салбий таъсир қилмоқда.

4 минг АҚШ доллари сўрайди. Пул-нинг тенг яримини олаётган вақти-да у ҳам қўлга тушди.

Департамент ходимлари томони-дан ўтказилган яна бир тад-бирда фуқаро Ф. Хужакулова К. Камолиддиновни Тошкент давлат техника университетининг Иқтисодиёт факультетиға давлат гранти асосида ўқишға олиб ки-риш билан алдаб, ундан 8 минг

АҚШ долларини олаётган вақтида ушланди.

Худда шундай ҳолат Чирчиқда ҳам қайд этилди. Чирчиқ давлат пе-дагогика институтининг жисмоний тарбия ўқитувчиси К. Аликулов фуқаро У. Нуруллаевни танишлари орқали Ўзбекистон Миллий универ-ситетиға ўқишға киритиб қўйиш эва-зига 8 минг АҚШ долларини олган вақтида қўлга олинди.

Эътибор берсак, юқоридаги ҳолатларнинг 3 тасида университет-даги порахўру фирибгарлар 8 минг АҚШ долларини олаётган вақтида қўлга тушяпти. Худ-ди савдо дўконида-ги маълум бир маҳ-сулотнинг нархи бел-гилаб қўйилгандек. Бу олий даргоҳлар-да таълимнинг нар-хи 8 минг АҚШ дол-ларими? Ёки у ерда-ги айрим нопок ки-шилар виждони ба-ҳосими бу?!

Қорақалпоғистон-да ҳам олий таълим-даги яна бир фири-б-б-р мулозим фаоли-ятига чек қўйилди.

Текзор тадбирда Бердақ номидаги Қорақалпоқ дав-лат университети Ўзбек филоло-гияси факультетининг декани Х. Абдуллаев фуқаро Нуримбетова-ни университетнинг туркман тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича ўтказиладиган иходий имтиҳонлар-дан юқори баҳо қўйиб, шу орқали қўқишға киритиб қўйишни ваъда қилади ҳамда бунинг эвазига 4500 АҚШ доллари сўрайди. Пора-

нинг бир қисмини, яъни 200 АҚШ долларини олаётган бу мансабдор жиноят устида ушланди.

— Департамент органлари то-монидан 2018 йилнинг биринчи ярми-да таълим тизими билан боғлиқ кор-рупция, фирибгарлик, мансаб вако-латини суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар бўйича жами 83 та жиноят иши кўзатилган, — дейди Бош про-куратура ҳузуридаги Иқтисодий жи-ноятларға қарши курашиш департа-ментининг бўлим катта инспекто-ри Адхам Исмоилов. — Ушбу жино-ятларнинг 16 таси умумтаълим мак-табларида, 36 таси ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида со-дир этилган. Тахлилларға кўра, таъ-лим тизимидаги коррупция ҳолат-лари, асосан, ўқув юртларида янги ўқиш йили учун қабуллар бошланган даврга (49 та ҳолат) тўғри келади. Хусусан, жорий йилнинг январь ойида 5 та, февраль ойида 16 та, март ойида 11 та, апрель ойида 10 та, май ойида 16 та ва июнь-июль ойларида эса 25 та ҳолат қош этилган.

Ақсарият ҳолларда пора бериш ташаббуси айнан фуқароларнинг ўзидан чиқаётгани, афсуски, аччиқ ҳақиқат. Вахолонки, жамиятни ҳалол ва коррупциядан холи ҳудудға ай-лантиришға барчамиз бирдек масъ-улмиз ҳамда порахўр қимсаларға қарши қуришшда фуқароларимиз-нинг ҳаракати асосий кучға эга бўли-шини англаб етишимиз шарт.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ободонлаштиришнинг антиқа “усули”

“Обод қишлоқ” дастури доирасида жорий йилда Қашқадарё вилоятининг 13 та туманидаги 26 та қишлоқ ва маҳаллаларда ободонлаштириш, қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш белгиланган. Бу борадаги сайё-ҳаракатлар билан яқиндан танишиш мақсадида Чироқчи туманидаги Чиял, Яккабоғ туманидаги Ҳўжайилгор, Деҳқонобод туманидаги Бешбулоқ қишлоқларида бўлганимизда, бу ҳудудларда кенг қўламли янгиланишларга гувоҳ бўлдик.

Бироқ дастурга киритилган Яккабоғ туманидаги Эсат маҳалласи, Қамаши туманидаги Чим қишлоғида эса бунинг мутлақо тескарсини қўриб, очиги, ёқа ушладик. Бу ҳудудларни қўрган кишида барча юмушлар номлагина, қўзбўямачилик учун олиб борилаётгандек таассурот уйғотади.

Яккабоғ тумани ҳокимлигидан берилган маълумотларда қайд этилишича, Эсат маҳалласидаги 1,7 километр масофадаги ички йўлга шағал ётқизилган, 5,1 километрлик электр тармоғи янгиланиб, 7 та трансформатор таъмирланган. Шунингдек, маълумотномада 60 та уй сувоқлангани, 46 та уйнинг эса ташқи қўриниши бўялгани айтилган. Лекин маҳаллага борганимизда ҳали бу борадаги ишлар бошланмаганлигига гувоҳ бўлдик.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурасул Сафаровдан бунинг сабабини сўраймиз:

— Маҳалламизга бир қатор ташкилотлар бириктирилган, лекин улар ҳалигача иш бошлашгани йўқ. Тўғри, оқова сув, электр тармоқлари, йўл қурилиши каби айрим ташкилотлар келиб, мавжуд вазиятнинг ўрганиб кетишди. Режага кўра, ичимлик суви тармоғи тортилиб, ҳозиргача фойдаланишга топширилиши, шунингдек, қўшмиша артезиан кудуги қазилиб, сув берилиши керак эди. Йўлларни таъмирлаш ишлари ҳам шунга қараб турибди. Саба-

рига киритилганидан беҳабарман, лекин гапингиз рост бўлса, бир талай муаммоларимиз ҳал бўларкан-да, — дейди Парда Зийётов. — Ичимлик суви қувурлари ўтганига қўл йиллар бўлган, лекин ҳовлимизга бирор марта сув келмаган. Сувни сотиб олиб, ҳровузда сақлаймиз. Газ масаласида ҳам аҳволимиз шу: кичик балонни 7 минг сўмдан, каттасини эса 14 минг сўмдан тўлдириб беришади. Ички кўчаларимизнинг абгор аҳволиниқу гапирмаса ҳам бўлади.

— Фақатгина қишлоғимиздан ўтган катта йўл атрофида қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда, — дейди шу қишлоқ оқсоқолларидан бири Саид Абдурашидов. — Бу қўзбўямачилик эмасми? Ички кўчаларимизга ҳам киришсин. Мана, кўринг, на йўлда тайин бор, на коммуникация тармоқларида. Айрим кўчаларимиз собиқ тузум давридан буён асфальт қўрмаган. Электр линиялари аллақачон муддатини ўтаб бўлган. Одамлар чиқиндиларни қаерга олиб боришни билмайди. Чўчки чиқинди тўкадиган жойнинг ўзи йўқ.

дан дарак йўқ. Менинг бир қўшним бор, фарзанди йўқ, эр-хотин ногирон, уйининг аҳволига қараб бўлмайди. “Обод қишлоқ” дастури бўйича шундайларнинг уйлари таъмирлаб, ёрдам қўрсатилиши керак, деб ўйлайман. Лекин улар билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Аслида “Обод қишлоқ” дастурига шароити оғир ҳудудлар киритилиши керак. Лекин Қашқадарё вилоятида дастурга марказий йўллар атрофидаги, шарт-шароитлари нисбатан яхши аҳоли пунктлари киритилганлиги кишини таажжубга солади. Бунга ҳам майли, деб қўл силтаб қўя қоладик, бироқ шу қишлоқларда ҳам дастур ижросини одамлар сезмасе, чекка ҳудудлар аҳолиси нимани кутиши мумкин?

Ҳамма ишлар хўжақўрсингами?
Фаргона вилоятининг Бешариқ тумани Тожикистон Республикаси билан чегара-

зидди. Бироқ хонадонларда канализация тизими йўқ, Бино орқа томони таъмирлаш ишларидан мосуво қилинган. Ёшу қари кишин-ёзин артезиан сувини ичади. Даҳанинг шундоққина ёнида жойлашган 8-мактабгача таълим муассасасининг гигиеник ҳолатига умуман чидаб бўлмайди. Ахлат уюм бўлиб ётган ҳудуднинг шундоққина ёнида болалар овқатланишга мажбур. Бочча чиroyли манзара касб этган бўлса-да, ёзинг жазирамасида қўланса хид таркатаётган бу чиқиндиҳона болалар соғлиғига жиддий зарар етказмоқда.

Бог кўчасида истиқомат қилувчи Насибаҳон Назирова 25 йил қишлоқ кутубхонасида ишлади. Унинг китобга меҳри бўлакча. 1969 йилда қурилган қишлоқ зиё маскани унинг учун қадрли гўшага айланган эди.

Тошариқда 10 йиллар аввал кутубхона биноси бузиб юборилди, — дейди у. — Ҳозиргача ёшу кексалар уйимдаги шахсий кутубхонамдан фойдаланишди. Хурсанд бўламан. Ёшлар эса китоб сўрагани бир оз тортинчоқлик қилишяпти. “Обод қишлоқ”



ладиган автомобиль йўли мазкур қишлоқ орқали ўтади. Катта йўл бўйлаб жойлашган ушбу аҳоли пунктдаги “Бахтли” ва “Қуёшли” маҳалла фуқаролар йиғинлари “Обод қишлоқ” дастурига киритилган бўлиб, бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари апрель ойидаёқ бошлаб юборилди.

Бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида ҳудудда ташкил этилган штабга бордик. “Қуёшли” МФЙ раиси Бахтиёр Бекмуратов ва “Бахтли” МФЙ раиси Қайратдин Қўрбаниязов режалаштирилган бунёдкорлик юмушлари билан таништирдик.

7937 нафар аҳоли яшайдиган мазкур икки маҳаллада 9 миллиард 172 миллион сўмлик қўламдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилади. Хусусан, ички ва хўжалиқлараро йўллари таъмирлаш, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, ичимлик суви тармоқларини тортиш шулар жумласидандир. Шу билан бирга, ноқонуний қурилган иморатлар бузиб ташланади.

Қилинаётган ишларни яқиндан ўрганиш мақсадида Р. Адигамов кўчасига кирдик. Ҳамроҳларимиз ушбу кўчага ичимлик суви тармоғи тортилгани, аҳоли томонидан уйлар таъмирланганини маълум қилишди.

Бироқ, қўчанинг абгор ҳолати таажжубимизни оширди. Ажаб, дастур бўйича ободонлаштириш ишлари бошланганига қарий ҳ у ой ўтган бўлса-да, нега бу йўллар ҳалигача асфальтланмаган?

Ҳудуддаги 19-умумтаълим мактаби дастур доирасида капитал таъмирланиши керак. Шу кўнчга мактаб томининг эски шифери олиб ташланиб, замонавий материал билан қопланибди. Мактаб атрофида муассаса директори Қаллибек Ибрагимовни учратдик.

— Вақт ўтгани сари хавотирим ошмоқда, — дейди у. — Сабаби, бу ерда “Халқ-ободстрой монтаж” МЧҚ жудан суст ҳаракатланмоқда. Ҳали бинонинг ичи ва ташқарисида бир талай таъмирлаш ишлари қилиниши лозим. Мана бир неча кундириқ, қурувчилар келишмаяпти. Янги ўқув йиллигига мактабни таъмирлаб улғуришармикан, деган ҳадикдаман.

Чиндан ҳам, биз ташриф буюрган 30 июнь кўни соат 10:00 да мактабда қурилиш банд ҳеч кимни учратмадик. Қишлоқда ўзибуларчилик кайфияти ҳукм сурмоқда. Гўёки, бу ердаги ишларни кимдир четдан келиб, бажариб берадигандек!

Катта йўл бўйлаб жойлашган бир қатор уйлар бузилиб, улар ўрнига уй қаватли тураржойлар қурилар экан. Бироқ эски уйлар шундайлигича турибди. Буни МФЙ раислари маблағ масаласи ҳал бўлмаётгани билан изохлашди.

— Апрель ойида келиб, бу уйлар бузилади, тадоригингизни қўринглар, деб кетишган эди, — дейди шу маҳаллада яшовчи Гулзор Утемуратова. — Мана, у ой бўлгяпти ҳажми, қаерга қўчишганимиз ҳақида ҳеч бир мутасадди бирор тайинли гап айтмапти. На турмушимизда ҳаловат бор, на ишда. Онам касал. Уйимизни бузишса, эртага, қишли-қировли кўнларда қаерга борамиз?

Режага кўра, “Обод қишлоқ” дастури ижроси шу йилнинг август ойи охирига қадар тугалланиши керак. Лекин гувоҳ бўлганимиз — ўзибуларчилик кайфияти, лоқайдлик ва бепарволик сабаб Халқобод ҳали-бери обод бўладиганга ўхшамайди.



Қишлоқдаги 18-мактабгача таълим муассасасига кирдик. Бу ердаги вазиятни қўриб, ёқа ушлайсан, киши. Бочганинг деворлари нураб, ночор ҳолга келиб қолган. Болаларнинг дам олиш вақтига тўғри келганимиз учун улар ухлайдиган ҳонага оҳис-

Халқ ишончи

ҳар бир раҳбар фаолиятининг бош мезони бўлсин!

дош. Аҳолиси, асосан, деҳқончилик, бондорчилик ва тadbиркорлик билан машғул. Тумандаги “Обод қишлоқ” дастурига киритилган “Тошариқ” ва “Рақон” қишлоқ фуқаролар йиғинларида кенг қўламли иш-

дастури доирасида қишлоғимизда мўъжазгина кутубхона ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дастурга кўра, ҳудуддаги 22 та ночор оиланинг хонадони жорий таъмирлаб берилиши керак. Бунинг учун ҳар оиллага 18 миллион сўмдан маблағ ажратилган. Ушбу хонадонларда бўлганимизда таъмирлаш ишлари шўнчаки, хўжақўрсинга амалга оширилганлига гувоҳ бўлдик. Масалан, Юсуфжон Қосимовнинг хонадонига кириб бораркансиз, бир қарашда таъмирлаш ишлари мукаммал бажарилгандек. Ҳовли ичига кирсангиз, ишлар чала-ярим ташлаб кетилган. Бу каби ҳолатларни Усмонқўжа Саматхўжаев, Азимжон Туроновлар хонадонига ҳам кузатиш мумкин.

Қувонч ўрнига ташвиш

“Обод қишлоқ” дастури жорий йил Навоий вилоятининг 17 қишлоғида амалга оширилиши белгиланган. Унинг дастлабки босқичида Қизилтепа туманининг Малик-обод, Хатирчи туманининг Ҳўжақўрғон, Томди туманининг Утемурад, Учқудуқ туманининг Қулқудуқ ва Нурута туманининг Чўя қишлоқларида кенг қўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилади.

— Қўзимиз обдан ўрганиб қолган экан, — дейди чуялик меҳнат фахрийси Насриддин Эрмаҳаммедов. — Мана энди, қандай фазйзли бўлиб қолди. Тўғриси, одамларимиз бошида анча огринишди, кимга керак бўлса, ана бузсин, курсин, деганлар ҳам бўлди. Бугун эса ўзлариям қизиқяпти. Мўқтарам Ўртбошимзининг бу ташаббуси қишлоғимиз аҳлининг кўнглига олов ёқди.

Дастурнинг кейинги босқичи вилоятнинг 12 та қишлоғини ҳам қамраб олган. Унга кўра, мазкур аҳоли пунктларида меъморчилик ва бош режа талабларига жавоб бермайдиган 445 та ноқонуний иншоот бузилади, таъмирталаб 10789 хонадондан 5313 тасида таъмирлаш ишлари ниятосига етказилди. Мухандислик-коммуникация тармоқлари бўйича 138,7 километр ичимлик сув тармоқларидан 51 км., 137 км. электр тармоқларидан 126 км., 136 км. газ тармоқларидан 78 км., 326 км. ички йўллардан 93 километрлик қисмида таъмирлаш ишлари қўнланди.

6 та мактаб, 5 та бочча, 2 та тиббиёт муассасаси ва бир коллеж ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини, маданият ва аҳоли дам олиш маркази, минимаркет каби ҳамми 78 объектда бунёдкорлик ишлари ниятосига етказилмоқда.

Ободлик юмушлари вилоятнинг Навоий ҳамда Зарафшон шаҳарларидаги тўрт маҳаллада “Обод маҳалла” дастури асосида амалга оширилмоқда. Мазкур дастурга Навоий шаҳрининг Тинчлик маҳалласи ҳам киритилган. Маҳалланинг 522 хонадондан 2378 нафар аҳоли истиқомат қилиб, дастур асосида бажарилажак ишлар уларнинг ҳам кўнглини тоғдек қўтарган, эртанги кўнга ишончларини оширган эди. Айниқса, дастлабки кўнлар маҳалладаги 41 ва 41-“А” ётоқхоналарида яшаётган салкам 50 оиланинг қувончини сўз билан ифодалаш мум-

кул бўлса, бугунги кўнга келиб, уларнинг ташвишини таърифлаш, афсуски, унданда оғир. Бойси маҳаллада сув тармоқларини тортиш ишлари ниятда суस्ताшлик билан олиб боришмоқда.

— Ётоқхонамизда апрель ойидан буён сув йўқ, — дейди 6-хонада яшовчи Маъмура Турсунова. — Ҳафтада бир марта сув келтириб, тарқатишади. Ойлада беш ҳонмиз, бир ҳафталик суви ҳамлаб бўладими?

Бир-бирига қараб қурилган мазкур ётоқхоналарнинг орасида 20 сотихча ер ёз жазирамасидан қараб кетган. Сувсизликдан қуриган дарахтлар, қаровсизликдан янтоқзорга айланган ён-атроф. Қисқача айтганда, ҳаммаси омонат. Мисол учун, яқинда тикланган болалар майдончаси ва жажжиларига қўз-қўлоқ бўлиб турувчи ота-оналар учун ташкил этилган ўриндиқлар кун бўйи офтоб тигида. Ким учун тикланди, деган ҳақли савол тугилади. Ётоқхонадаги оилалар томонидан палапатиш тикланган иморатларни қўриб, бу ерининг шаҳар эканлигига ишонмайсиз.

41-“А” ётоқхонага қайтамыз. Узун йўлак полидаги оҳак ва бўр гардлари ётоқхонада таъмирлаш ишлари бошланганлигини билдирди, қолган ишларга ҳали қўл урилмаган. Хоналарни қўя турайлик.

— Бино ётоқхоналар бошқармасига қарашли, — дейди 11-хонада яшовчи Зебунисо Очилова. — Дастур муносабати билан келиб, ҳар бир оила ўзи яшайётган хоналарнинг деразаларини алюмин профлига алмаштириш топширигини беришди. Бировда бор, бировда йўқ. Қолаверса, анчадан буён ўзимиз яшайётган хоналарни хусусийлаштириб беришларини сўраймиз. Ҳеч ким масъулиятни зиммасига олгиси келмайди.

“Тинчлик” МФЙ идораси ҳам кўрғондаги 61-ётоқхонада ижарага жойлашган. МФЙ раиси Дилмурод Холонви маҳалла биноси ва бозор инфратузилмиси объектлари қурилишининг аҳволи ва аҳолининг кайфияти бўйича суҳбатга чорладик. Раис “Ҳаммасини қўриб берамиз дейишган”, деган жавобдан нарига ўтолмади. Албатта, бундай “хабардор”лик билан одамларнинг бошини қовуштириш, эзгу мақсадларга йўналтириш нари турсин, уларга таскин беришнинг ўзи амримаҳол.

“Уйимизни бузишяпти, энди қаерга борамиз?!”

Кегайли туманига қарашли Халқобод массиви Нукус шахридан тахминан ўттиз чакраимча узоқликда жойлашган. Чимбой, Қоғариқ, Тахтақўпри туманларига бори-

Халқнинг қўйини пўч ёнғоққа тўлдириб, қўрққ ва баландларвоз ваъдалар бериб ишлашнинг даври ўтди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, давлат идоралари халққа хизмат қилиб, одамлар эртатга ёки узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшашларни таъминламоғи керак. Бинобарин, инсон умрининг ҳар лаҳзаси ортта қайтмас экан, у ҳам бу дунёда рўшнолик қўриб, бахтли яашага ҳақидир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
Элёржон ЭҲСОНОВ,
Темур ЭШБОВ,
Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Олмазор намунали туманга айланмоғи шарт

Президентимиз пойтахтнинг Олмазор туманига таширфи чоғида бу ерда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий ижтимоий объектларни қуриш, маҳаллалар ободлиги, халқ фаровонлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни эътироф этиб, айни пайтда туманнинг қўпгина кўрсаткичлар бўйича орқанда қолаётганини қаттиқ танқид қилган эди.

Парламент назорати

29 июнь кўни Тошкент шаҳри фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, фаолияти тўхтаган корхоналарни қайта ишга тушириш, янги ҳўжалик субъектларини ташкил этиш, тadbиркорлик ва хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали одамлар учун даромад манбаини яратиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берди. Оила институтини мустаҳкамлаш, аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишларни алоҳида назоратга олиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Туманда ҳозирги пайтда олиб борилаётган ишлар юзасидан парламент, депутат ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Олий Мажлис Сенатида ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, ҳудуд маҳаллаларидаги аҳвол чўқур ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Ишчи гуруҳларга сенаторлар билан бирга, туман Кенгаши депутатлари, олимлар, мутахассислар, маҳалла

фуқаролар йиғинлари ва жамоатчилик вакиллари ҳам жалб қилинган. Улар томонидан ҳар бир маҳалладаги ҳақиқий аҳвол атрофилича ўрганилмоқда.

Агар, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг ишчи гуруҳи ўз ишини Тараққиёт маҳалласидан бошлади. Маҳалла ҳудуди катта қурилиш майдонига айланган. Ишчи гуруҳи асосий эътиборни кўчаларнинг санитария ва экологик ҳолати ҳамда сув тизимига қаратмоқда. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, тadbиркорлик ва хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, инвестиция ва технологияларни жалб этиш масалалари кенг муҳокама қилинмоқда.

Туман аҳолиси томонидан билдирилган муаммоларнинг асосий қисми Дамашки (Қириққў) қанали билан боғлиқ. Гап шундаки, канал атрофи ободонлаштирилмаган, чиқиндилар билан тўлиб-тошган. Оқибатда канал турли инфекциялар манбаига айланиб қолганди. Қироқларда эса ноқонуний қурилма-

лар ҳам кўп. Бугун улар бузиб ташланмоқда. Мутахассислар қаналнинг иккала қирғоғи атрофида иншоотлар қуриш учун белгиланган масофага роя эйтиш кераклигини таъкидлашяпти. Бундай ишлар айни пайтда барча маҳаллада олиб борилаётёр.

Канал сувини ва унинг ён-атрофини тозалаш, ўзбошимчилик билан қурилган қурилмаларни бузишда қонунийлик ва ҳавфсизлиқни таъминлаш, амалдаги тартиб-қоидаларга роя эйтиш устидан назорат ўрнатдик, — дейди сенатор Т. Исқандаров. — Тегушли идораларнинг ҳамкорлигида рейдлари натижасида Қириққў қанали бўйлаб 28 та ноқонуний қурилган иншоот аниқланди. Фуқаролар доимий яшайдида чиқиндиларни қаналга ташлаб келган. 22 нафар қонунбузар жавобгарликка тортилди, мавжуд қамчиликларни эъдилик билан бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

Олмазор туманида амалга оширилаётган ушбу сайё-ҳаратларда туман аҳолиси ҳам фаол қатнашмоқда.

Олий Махлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан туманда инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши тўрисида ахборотни эшитишга тайёргарлик қилинмоқда. Мисол учун, “Ўзэлектросаноат” АК, “Ўзфармасаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ўз тақлифларини билдиришди. Уларга кўра, тумандаги иситиш радиаторлари, идийш-товоқлар, саноат совиткичлари, рация тайёрлашга иктисос-

лаштирилган “Fortuna Lux Metal” МЧҚ ҚҚ, “Oniks Tashkent” МЧҚ, “Polaris Technologies”, МЧҚ ХҚ, “УМТ-Радио” ҚҚ сингари корхоналар фаолиятини кенгайтириш кўзда тутиляпти. Бўш турган бинолар неғизида яна учта корхона фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Умуман айтганда, ушбу лойиҳалар 700 га яқин иш ўринларини яратиш, Давлат бюджетига эса 15 — 17 миллиард сўм тузилшига ёрдам беради.

Диабет хасталигига қалинган беморлар учун дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш ҳам режада. Ушбу мақсад йўлида икки миллион АҚШ доллари миқдоридда чет эл инвестициясини жалб этиш кўзда тутиляпти. Натижада 50 иш ўрни яратилади.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган, умумий инвестиция ҳажми 5,9 миллион АҚШ долларига тенг тўртта лойиҳа келгуси йилнинг биринчи чорагида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Туманда экспортга маҳсулот ишлаб чиқарадиган бир қатор корхоналар фаолият юритади. Яна 710 киши бу корхоналарда ишга жойлаштирилади.

— Олмазор туманида қатор корхоналар ишламасдан ётибди, кичик бизнес, саноат яхши ривожланмаган, — дейди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси М. Жумағалиев. — Ўз набаотида, бандлик муаммоси, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан

таъминлаш долзарб бўлиб турибди. Инвестиция лойиҳаларининг ишга туширилиши, янги замонавий корхоналар барпо этилиши, тўхтаб қолган ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти қайта йўлга қўйилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш оилалар турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, одамларимиз ислохотлар ва ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилиши керак.

Сенатда ташкил этилган ишчи гуруҳ, шунингдек, ҳавфсизлик, ҳўққни муҳофаза қилиш органлари, профилактика инспекторлари самарали фаолияти учун зарур шароитларни яратиш, ички ишлар органларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, ёшлар тарбияси, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматлари сифатини таъминлаш масалаларини ҳам ўз назоратига олди.

Олмазор тумани тош маънода янги қиёфага кирмоқда, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Лола Мусахонова — Туманимиз янги маркази — 24 гектарлик “Olmazor city” барпо этилади. Маъмурий бино, тураржой, бизнес маркази, меҳмонхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари қурилади. Албатта, ушбу режаларни ичзил амалга ошириш билан бирга, айни пайтда маҳаллаларда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш, ёшларни турли ёт фоярлардан асрашда сермазун маданий-маърифий тadbирларнинг аҳамияти муҳим. Туманда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши, аввало, “йўл хатталари” ва барча инвестиция дастурлари ижросини тўла таъминлашга хизмат қилади. Бинобарин, барча маҳаллаларда янгиланишларга катта умид билан қарашмоқда.

Фирдавс АМИНОВ.



ЎЗБЕК ОЛИМИ ЯРАТГАН ФАН — ЯНГИ МАҚОМДА

Кейинги саккиз аср мобайнида кимё соҳасида илмий даража беришга муносиб топилган ўн тўққизта ихтисослик рўйхатга олинган. Анорганмикимё, аналитик кимё, органик кимё, физик кимё, нефть кимёси, ўта соф моддалар кимёси шулар сирасидандир. Мазкур фанларнинг яратилиши соҳанинг машҳур намояндалари, дунё илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган Г. Деви, Ж. Дальтон, Р. Бойл, М. В. Ломоносов, И. Берцелус ва бошқа забардаст олимлар номи билан боғлиқ.

Зикр этилган фан соҳаларининг йи-гирманчиси Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига олти йил тўлган йилда ихтиро этилди. Унга кимё фанлари доктори, Андижон давлат университети профессори Иброҳимжон Асқаров ҳамда техника фанлари доктори, академик Тўхтағулат Рискиев асос солишган эди. “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш” деб номланган мазкур фан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан маъқулланган. Маълумки, ҳар қандай фан ёки кашфиётнинг аҳамияти унинг жамият раванқига, тафаккур ривожига қўшажак ҳиссаси ва нафи билан белгиланади, қадрланади. Шу маънода, янги ихтисослик амалга татбиқ этилган дастлабки кунларданок мамлакатимиз халқ ҳўжалиги тараққиётида ўз самарасини кўрсата бошлагани билан аҳамиятлидир. Янги мутахассислик, хусусан, республикамиз ҳудудига хорижий юртлардан кириб келувчи турли товар ҳамда маҳсулотлар сифати ва бошқа жиҳатларини аниқлашда қўл келади.

Гал шундаки, божхона тўловлари товарларга қўйилган махсус код рақамла-

ри асосида амалга оширилади. Кодларнинг тўғрилигини назорат қилиш орқали эса тўловлар ҳаққонийлиги ва қонунийлиги таъминланади. Кимёвий таркиби асосида текшириш маҳсулотларга белгиланадиган божнинг ҳақиқий миқдорини аниқлашга ёрдам беради. Зеро, БМТнинг фанлар бўйича вакили, Бутунжаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Жеймс Шавер янги мутахассислиكنинг биринчи муаллифига бежиз қўйидагича таъриф бермаган эди: “...Профессор Иброҳимжон Асқаров томонидан кашф этилган “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш” услуги жажон кимё фанида бутунлай янги йўналиш деб эътироф этилди. Айниқса, божхона соҳасида, яъни товар-моддий бойликларни божхона экспертизасидан ўтказишда бу фаннинг аҳамияти бекиёс эканлиги диққатга сазовордир. Ўзбек олими, профессор Иброҳимжон Асқаровни кимё фанидаги улкан кашфиёти билан кутлайман!”

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий лабораторияси ходимлари томонидан ана шу ихтисослик белгилаб берган усулда бож ундириш ҳисобида Давлат бюджетига охириги 8 йил ичида

100 миллиард сўмдан ортқ қўшимча даромад туширилгани юқоридаги фикрнинг амалий исботидир. Бундан ташқари, Олий аттестация комиссияси ҳужжатларида мазкур ихтисослиكنинг рўйхатга киритилиши бу борада мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш, айниқса, божхона ишини янада пухта йўлга қўйиш ва уни такомиллаштиришга муйян даражада ўз ҳиссасини қўшаётганлиги алоҳида таъкидланади.

Эндиликда жажонда товарларга, хусусан, товарлар кимёсига доир таққиқотлар алоҳида аҳамият касб этаётгани, давр ихтисослиكنинг мақсад ва вазифаларини кенгайтиришини тақозо қилаётганидан келиб чиққан И. Асқаров мазкур соҳа атамасини “Товарлар кимёси” деб номлаш юзасидан масъул ташкилот ҳамда муассасаларга мурожаат қилиб, ихтисослиكنинг янги тақрирдаги паспортини тақдим этди.

Россия Фанлар академияси Органик кимё институти профессори, Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори Л. Беленький, Тожикистон Фанлар академияси Кимё институти профессори, кимё фанлари доктори М. Исабоев, мазкур институтнинг етакчи илмий ходимлари — доцент Т. Абдуллаев, кимё фанлари номзоди

Э. Пўлатов, Фаргона давлат университети профессори, кимё фанлари доктори А. Ибрагимов ва бошқаларнинг юқоридаги ихтисосликка оид фикрларини ҳам инобатга олган ҳолда, мазкур масалани атрофлича ўрганиб чиққан Олий аттестация раёсатининг ўтган йил

Профессор Иброҳимжон Асқаров томонидан кашф этилган “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш” услуги жажон кимё фанида бутунлай янги йўналиш деб эътироф этилди. Айниқса, божхона соҳасида, яъни товар-моддий бойликларни божхона экспертизасидан ўтказишда бу фаннинг аҳамияти бекиёс эканлиги диққатга сазовордир.

Жеймс ШАВЕР,
БМТнинг фанлар бўйича вакили,
Бутунжаҳон божхона ташкилоти
Бош котиби.

28 сентябрдаги қарори билан “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш” ихтисослиги атамаси “Товарлар кимёси”га ўзгартириб, тасдиқланди. “Товарлар кимёси” ихтисослиги бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар учун техника фанлари ҳамда кимё фанлари бўйича илмий даражалар, шунингдек, илмий унвонлар берилди.

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

“Товарлар кимёси” ихтисослиги ва ихтисослик паспортининг янги тақрири, — дейилади ОАК ҳулосасида, — товар маҳсулотларини таснифлаш, уларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари, уйғунлашган тизим номенклатурасига мувофиқ кимёвий таркибидан ташқари яна бир неча омил, жумладан, товарларнинг келиб чиқиши, товар тайёрланган материал тури, қайта ишланганлик даражаси, шакли, нархи, жажон кимёсига тугган ўрни орқали синфлаш имконини яратиб беради.

Шунингдек, илмий таққиқотларнинг моҳият ва вазифалари доирасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига хос халқаро код рақамини белгилаш, республика иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳамда мазкур ихтисослик бўйича илмий даражалар ва илмий унвонларга талаб-горларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадларига хизмат қилади.

Жажон олимлари эътироф этган фан соҳалари қаторидан ўрин олган муҳим ихтисослиكنинг ҳаюртимиз томонидан ихтиро қилиниши фаҳр ва ифтихорга арзирли илмий ҳодисадир.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
Андижон давлат университети
фаҳрий профессори.

Маънавият

Энг кўп сўралаётган китоблар ва матбуот нашрлари

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига қайси китоблар ва матбуот нашрлари учун энг кўп буюртмалар берилишини биласизми?

Кутубхонанинг Адабиётлари бериш ва диспетчерлик хизмати томонидан бу мунтазам таҳлил этиб борилади. Хусусан, шу йилнинг ўтган олти ойи давомида фойдаланувчилар томонидан Александр Дюманинг “Граф Монте-Кристо”, Фёдор Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Бахтиёр оила”, Тоҳир Маликийнинг “Шайтанат”, Аҳмад Лутфий Қозончининг “Саодат асри қиссалари” китобларига талаб юқори бўлди. Вақтли матбуот нашрларидан эса “Халқ сўзи” (“Народное слово”), “Ўзбекистон овози”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хурият” ҳамда “Ишонч” газеталари энг кўп суралган. Мазкур нашрлар умумий буюртма қўлынган газеталарнинг қарийб 64 фоизини ташкил этди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўлланма

Президентимиз “Жиноятларга қарши курашишда профилактика ишларини кучайтиришимиз, айниқса, қуриш поғонадаги ишларни тубдан ўзгартиришимиз зарур ва шарт”, деган эди.

Профилактика инспектори қандай бўлиши керак?

Шу асосда бугунги кунда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Янги нашр этилган “Профилактика инспектори — халқ хизматчиси” китоби шу долзарб масалага бағишланган.

Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбовнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида узок йиллар давомида тўлган тажрибаси асосида тайёрланган ушбу китобда илсқотлар натижасида ҳуқуқбузарликлар, айниқса, унинг энг хавфли кўриниши бўлган жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бораётгани аниқ рақамлар асосида таҳлил қилинади.

Мазкур таққиқотлар шунинг кўрсатмоғидики, бугунги кунда профилактика инспекторларининг ақсарият қисми нафақат фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини билмайди, ҳатто, уларнинг мавжудлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас, — дейди Академия ходими, лейтенант Жамшид Холов. — Бу ҳолат профилактика инспекторларининг атиги ўн бир фоизи юридик маълумотга эгалиги, бундай маълумотга эга бўлмаганлари эса махсус тайёргарликдан ўтмагани билан изоҳланади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки

жисмоний шахслар учун янги турдаги

«SILVER», «GOLD» ва «VIP»

кредит карталари жорий этилганлигини эълон қилади.

- Кредит карталари доимий иш жойига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тақдим этилади.
- Кредит карталари босқичма-босқич
 - «SILVER» ➡ «GOLD» ➡ «VIP»

навбати билан 9 ойдан 18 ойгача бўлган муддатга берилади.

Бунда:

- «SILVER» кредит картаси — 9 ойгача бўлган муддатга;
- «GOLD» кредит картаси — 12 ойгача бўлган муддатга;
- «VIP» кредит картаси — 18 ойгача бўлган муддатга берилади.

- Кредитнинг максимал суммаси қарз олувчининг тўлов қобилиятини инобатга олган ҳолда қуйидаги миқдорда ўрнатилади:
 - «SILVER» кредит картаси бўйича — республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган миқдорда;
 - «GOLD» кредит картаси бўйича — республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баробаригача бўлган миқдорда;
 - «VIP» кредит картаси бўйича — республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробаригача бўлган миқдорда.
- Кредит карталари бўйича фоиз ставкаси — йиллик 20 фоиз миқдориди ўрнатилади.
- Кредит таъминоти — учинчи шахснинг кафилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги таъмин тақиқланмаган бошқа таъминот турлари билан таъминланади.
- «SILVER», «GOLD» ва «VIP» кредит карталарининг ҳар бири алоҳида битим бўйича расмийлаштирилади. Қарз олувчи «SILVER» кредит картаси орқали дастлабки олинган кредит бўйича мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарган тақдирда «GOLD» кредит картаси бўйича, шунингдек, «SILVER» ва «GOLD» кредит карталари орқали олинган кредитлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарган ҳолда, у хоҳишига кўра «VIP» кредит картаси бўйича кредитдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маълумот учун телефон: (0-371) 120-81-91.

«Асака» банки кредит карталари — қулай, ишончли ва самарали!

www.asakabank.uz **Хизматлар лицензияланган.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида силган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлаб-маълумотлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер терминали ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-йй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Тошпирилди — 01.15

1 2 3 4 5 6